

Бир савдогар ўглини энг катта донишманднинг хузурига бахтнинг калити — сирини билиб келиш учун жўнатипти. Йигит саҳрода кирк кун йўл юрипти ва нихоят, улкан тогнинг тепасида хаддан зиёд мухташам бир касрни кўрипти. У кидирган Донишманд шу касрда яшар экан.

Кутганига зид ўларок каср авлиё одамнинг хилват гўшасига ўхшамасди. Унинг ичи одамга тўла эди: савдогарлар молларини мактаб хар томон югуришар, бурчак-бурчакларда одамлар тўп-тўп бўлиб гурунглашар, созандаларнинг кичик бир дастаси кандайдир нафис куйни ижро этар, залнинг ўртасида эса каттакон стол, унинг устига дастурхон тузалган, дастурхон эса бу юртнинг энг ноёб ва тансик таомлари, багоят хуштаъм ноз-неъматларига тўла эди.

Донишманд шошмасдан меҳмонлар билан бирма-бир кўришиб чиқди. Йигит навбати келишини икки соатча кутиб колди.

Нихоят, Донишманд йигитнинг нима максадда келганини билди, лекин хозир унга бахтнинг калити — сири нимада эканини тушунтириб беришга вакти йўқ эканини айтди. Донишманд йигитга чикиб касрни томоша килишни ва икки соатлардан кейин бу ерга — залга кайтиб келишни буюрди.

«Сендан яна бир илтимосим бор, — деди у йигитга ичига икки томчи ёг солинган чой кошигини узатиб. — Бу кошикни ўзинг билан олиб юр, факат эҳтиёт бўл, ичидаги ёги тўкилиб кетмасин».

Йигит кошикдан кўзини узмаган холда касрни айланди, унинг зиналаридан тепага кўтарилиди, пастга тушди ва, нихоят, икки соат ўтгач, Донишманднинг рўпарасида яна намоён бўлди.

«Хўш, калай, — деб сўз котди Донишманд. — Кошонадаги форс гиламфари сенга манзур бўлдими? Бенихоя миришкор бoggонлар ўн йиидан бери кўзининг ок-у корасидек авайлаб парвариш килаётган бoggаги гуллар ва дaraohтлар ёқди-ми? Кутубхонадаги кадимий китоблар ва нодир кўлёзмалар-чи?»

Хижолатдан кизариб кетган йигит буларнинг хеч кайсисини кўрмаганини тан олди, негаки, унинг бутун диккат-еътибори Донишманд унга ишониб топширган икки томчи ёғда бўлган экан.

«Бор, оркангга кайт, менинг уйимдаги хамма мўжизаларни кўриб кел, — депти Донишманд. — Одам каер-да ва кандай яшашини билмай туриб, унга ишониб бўлмайди». Кўлида кошикча билан йигит яна заллар ва йўлаклар бўйлаб айлана бошлапти. Бу гал у ўзини анча эркин хис килиб-ди ва хоналарни безаб турган хамма ноёб ва гаройиб нарсаларни кўрипти. У бoggами ва каср теварагидаги тогларни томоша килибди, гуллар жозибасидан ва мохирлик билан жойлаштирилган хайкаллар-у расмлардан баҳра олипти. Дониш-манднинг хузурига кайтиб келиб, кўрган нарсаларининг хам-масини бирма-бир санаб берибди.

«Мен сенга кошикчада олиб бориб, тўкмай кайтариб олиб кел, деб берган ёг кани?» — деб сўрабди Донишманд.

Шу чок йигит караса-ки, ёг тўкилиб кетган экан.

«Сенга беришим мумкин бўлган бирдан-бир маслаҳатим хам шу, — депти донолар доноси. — Бахтнинг калити — сири ана шунда: бу дунёни безаб турган, унга жозиба, ажиблик ато этиб турган нимаики бўлса, хаммасини кўра билмок керак ва айни чокда ўша чой кошикдаги икки томчи ёгни хам зинхор-базинхор унутмаслик зарур».

Озод Шарафиддинов таржимаси